

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссиясида 2018 йил 1-чоракда амалга
оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумот**

Ҳажмий кўрсаткичларнинг бажарилиши: ОАК Раёсатида жами **484** (465,3%, 104) та аттестация иши кўриб чиқилди. **67** (515,3%, 13) нафар талабгор фан доктори илмий даражасида, **190** нафар талабгор фалсафа доктори илмий даражасида, **35** (233,3%, 15) нафар талабгор профессор, **29** (193,3%, 15) нафар талабгор катта илмий ходим ва **142** (289,7%, 49) нафар талабгор доцент илмий унвонларида тасдиқланди ҳамда 1 та фан доктори, 7 (33,3%, 4) та фан номзоди ва 7 та PhD дипломи нострификация қилинди;

олий ўкув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими шароитида 598 та талабгорнинг диссертация химояси ташкил қилиниб, жумладан 394 нафари фалсафа доктори (PhD) ва 198 нафари фан доктори (DSc) илмий даражаларида тасдиқланди;

хисобот даврида белгиланган ҳужжатларда кўрсатилган топшириқларнинг ижроси таъминланди ҳамда фуқароларнинг барча ёзма ва оғзаки мурожаатларига ўз муддатида жавоб берилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида қўзда тутилган топшириқларнинг бажарилиши:

мазкур Давлат дастурининг 267 рақамли топшириги ижроси қўйидаги ташкилотларга юклатилган: ФА, ОЎМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ФТА ва ОАК. Ушбу Давлат дастури ижроси юзасидан ОАК томонидан мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан қўйидаги таклиф Фанлар академиясига киритилди (21.12.2017 й.; №01-08/1940);

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича қўйидаги ҳужжатлар лойиҳалари ўрнатилган тартибда манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Бош прокуратурага киритилди (28.12.2017 й.; №01-01/1967): Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси; Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.

Бошқа устувор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши вазирлигини ташкил этиши тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан буйруқ имзоланди (№103, 01.12.2017 й.) ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони 7-банди ижроси юзасидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси сифати ва самарадорлигини янада ошириш, шу жумладан илмий-тадқиқот фаолияти, унинг натижаларини амалиётга жорий этиш тизими ҳамда Олий аттестация комиссияси фаолиятини халқаро стандартлардан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (08.02.2018 й.).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон Қарори билан тасдиқланган “2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури”нинг 22-банди, жумладан мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича ОАК идоравий ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идораларро комиссиясига келишиш учун тақдим этилди (№01-10/0284, 28.02.2018 й.).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон Фармони ижроси юзасидан, жумладан қўйидагилар амалга оширилди:

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига илк бор 24.00.00—“Исломшунослик фанлари” тармоғи киритилди; Исломшунослик фанлари олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига 24.00.01—“Ислом тарихи ва манбашунослиги”, 24.00.02—“Куръоншунослик. Ҳадисшунослик”, 24.00.03—“Фиқҳ, қалом илми. Илоҳиёт”, 24.00.04—“Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги” ихтисосликлари киритилди;

Тошкент ислом университети хузурида илмий даражалар берувчи илмий кенгашга “Диншунослик” ва “Ислом тарихи ва манбашунослиги” ихтисосликлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилди;

тиббиёт фанлари бўйича Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига 14.00.39—“Токсикология”, 14.00.40—“Шошилинч тиббиёт” ихтисосликлари киритилди ҳамда ушбу ихтисосликлар бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузилди;

Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати янги таҳрири 3 тилда (ўзбек, рус, инглиз) нашр қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатининг янгиланган 2018 йил таҳрири чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижро учун қабул қилиниб буйруқ имзоланди (№7, 26.01.2018 й.) ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди (26.01.2018 й.). Мазкур қарор билан тасдиқланган “2018 йилда шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури”ининг 8-банди ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази талабномаси асосида:

тиббиёт фанлари бўйича Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига 14.00.40—“Шошилинч тиббиёт” («Экстренная медицина») ихтисослиги киритилди;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мурожаатига (26.02.2018 й.; №8н-3/56) асосан Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази хузурида 14.00.40 – “Шошилинч тиббиёт” ихтисослиги бўйича, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институти хузурида 14.00.22—“Травматология ва ортопедия”, 14.00.28—“Нейро-хирургия” ихтисосликлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 январдаги 1-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган топшириқларни сўзсиз амалга ошириши бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Раёсати баёнида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланди (№2, 03.01.2018 й.). Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Мурожаатномасида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан ОАК Раёсати томонидан тасдиқланган (№247, 27.12.2017 й.) Олий аттестация комиссияси “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар, жумладан:

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаларини ўз муддатида сифатли ишлаб чиқишни таъминлаш;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларига талабгорларни бевосита доцент илмий унвонида тасдиқлаш ва илмий унвон тўғрисидаги аттестатни расмийлаштириш ҳуқукини бериш бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилишни ташкил қилиш;

эксперимент тарзида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари рейтингида энг юқори 10 таликка кирган муассасалар хузурида фаолият кўрсатаётган илмий даражалар

берувчи илмий кенгашларга талабгорларни бевосита фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқлаш ва илмий даража тўғрисидаги дипломни расмийлаштириш хуқуқини бериш бўйича тегишли хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилишни ташкил қилиш бўйича масъул ходимлар белгиланди ва топшириклар ижроси ОАК Раёсатининг ҳар ой мажлисида муҳокама қилиб борилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 29 декабрдаги 1399-П/ҚҚ-283-П-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини ташкил этиши тўғрисида”ги қўйма қарори учун қабул қилиниб, буйруқ имзоланди (№1, 04.01.2018 й.). Мазкур қўшма қарорда белгиланган вазифалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертация ва авторефератлар маълумотлари электрон базасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича тегишли техник ишлар амалга оширилди ҳамда мазкур Институт сўровига биноан ОАК ваколати доирасида статистик, ахборот-таҳлилий ва бошқа материалларни тақдим этилиши бўйича масъул ходимлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2017 йил 2 февралдаги 04/2-214-сон топшириги ижро учун қабул қилиниб буйруқ имзоланди (№12, 08.02.2018 й.). Мазкур буйруқ асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасининг “Онлайн маслаҳатчи” модули орқали ОАКга келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида қабул қилиш ва уларга тезкор ҳамда самарали маслаҳат берилишини таъминлаш бўйича ОАК Ишчи гурӯҳи таркиби тасдиқланди ва мурожаатчиларга онлайн маслаҳат хизматини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасининг “Онлайн маслаҳатчи” модули фаолиятини ташкил этиш юзасидан берилган Тавсияларга мувофиқ ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 14 февралдаги 04/1-328-сон топшириғи ижроси юзасидан давлат органларида мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ва шаффоғлигини ошириш, бир-бирини тақрорловчи тизимларни қисқартириш, давлат органларига келиб тушаётган барча мурожаатлар тўғрисидаги маълумотларни ягона тизим доирасида бирлаштиришни таъминлаш мақсадида ОАК веб-сайтидаги ОАК раиси виртуал қабулхонаси тизими фаолияти якунланди ҳамда мурожаатларни www.pm.gov.uz манзилидаги веб-сайт орқали ОАКга юбориш имконияти ҳақидаги маълумот жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 27 февралдаги 04/2-425-сон топшириғи ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Ахолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сон Фармони ижроси доирасида ОАК томонидан кўрсатиладиган барча давлат хизматлари қайта хатловдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (22.02.2018 й., №1-8-4/1-248/8) “Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасига тегишли таклифлар шакллантирилиб, ОАК томонидан Давлат хизматлари ягона реестрига киритиш учун 6 та давлат хизмати Давлат хизматлари агентлигига тақдим этилди. Ушбу таклифлар Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги АВ рег. 2976-сон “Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланди. Ҳозирги кунда мазкур давлат хизматлари регламентларини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги меъёрий-техник хужжатларга мувофиқлаштириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соглиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси йигилишининг 5-сон баёнида (12.01.2018 й., №14-11-1) белгиланган

топшириклар ижро учун қабул қилиниб буйруқ имзоланди (№3, 16.01.2018 й.) ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди (16.01.2018 й.). Вазирлар Маҳкамасининг мазкур ҳужжатида белгиланган топшириклар ижросини таъминлаш юзасидан ОАК раиси ва бош илмий котибининг ойлик иш режалари тасдиқланиши ҳамда мазкур режалар ижроси тўғрисидаги таҳлилий маълумотларнинг Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментига ҳар ой якунидаги сифатли тақдим этилиши, шунингдек ижро интизомини мустаҳкамлаш ва аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш мақсадида ОАК ҳар бир масъул ходимининг ойлик иш режасини ишлаб чиқилиши ва унинг ижроси бўйича ҳафталиқ ҳисботини тайёрлаш йўлга қўйилди.

2017 йилда Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши натижалари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Раёсати баёнида (19.02.2018 й., №23) белгиланган топшириклар ижро учун қабул қилиниб буйруқ имзоланди (№16, 23.02.2018 й.) ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур баёнида белгиланган топшириклар ва ОАКда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши натижалари ОАК Раёсати мажлисида муҳокама қилинди (28.02.2018 й.).

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур ҳужжатида белгиланган топшириклар ижроси юзасидан худудларда, жумладан жорий йилнинг январь-март ойларида Бухоро, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида илмий жамоат ва тадқиқотчилар учун сайёр қабуллар ташкил қилинди. Сайёр қабулларда жами **1145** нафар киши иштирок этиб, **562** та саволга тушунтириш берилди, **103** нафар тадқиқотчига услубий ёрдам кўрсатилди.

ОАК таркиби бўлинмаларида ҳукумат қарорлари ва топшириклари ижросининг ташкил этилиши, ижро интизоми самарадорлигини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг январ-март ойларида ОАК Ахборот-таҳлил бўлими (Далолатнома №1, 31.01.2018 й.), Мониторинг бўлими (Далолатнома №2, 28.02.2018 й.) ва Котибиятида (Далолатнома №3, 30.03.2018 й.) мақсадли ўрганишлар ўтказилиб, ўрганиш натижалари бўйича мазкур бўлинмаларда ижро интизомини янада ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

ОАКда ижро интизоми ҳолатининг қунлик, ҳафталиқ ва ойлик назорати йўлга қўйилган бўлиб, 2018 йилнинг 1-чораги якунлари бўйича юқори ташкилотлардан жами **50** та ҳужжатнинг бугунги қундаги ижроси, жисмоний ва юридик шахсларнинг **96** та мурожаатлари ижроси муддатида таъминланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан, жумладан қўйидагилар амалга оширилмоқда:

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар соҳасида қабул қилинаётган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини илмий жамоатчиликка етказиш режасига мувофиқ жорий йилнинг январь-март ойларида Бухоро, Фарғона, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган ёш олимлар ва илмий тадқиқотчилар билан учрашувлар ташкил қилинди;

олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки погонали тизими шароитида 394 нафар тадқиқотчи фалсафа доктори (PhD) ва 198 нафари фан доктори (DSc) илмий даражаларида тасдиқланди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳисбот даврида юқори ташкилотлардан **50** та ҳужжат келиб тушиб, белгиланган топширикларнинг бажарилиши таъминланди. 2018 йилнинг I чорагида ОАКга жисмоний ва юридик шахслардан **96** та (135 та, 71,1%) мурожаат келиб тушиб (23 та оғзаки, 73 та ёзма), барча мурожаатларга ўз вақтида жавоб берилди.